



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 136 (13.469)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ СЕУЛ МЭРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июль куни Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сунни қабул қилди.

Сеул шаҳри мэри Президентимизга Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг ушбу мамлакатга жорий йил давомида давлат ташрифи билан бориш таклифини шахсан топшириш учун Тошкентга келган.

Давлатимиз раҳбари таклифни мамнуният билан қабул қилар экан, бугун Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни дўстлик ришталари, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустақам боғлаб турганини алоҳида таъкидлади.

Корея Республикаси мамлакатимизда sanoat ва инфратузилмани диверсификация ва модернизация қилишга доир устувор дастурларни амалга оширишда аънавий етакчи инвестицион ва технологик шерик ҳисобланади. Жану-

бий Кореянинг етакчи компаниялари ва банкларининг 7 миллиард доллардан зиёд инвестициялари жалб этилган ҳолда иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда.

Илмий-техник, маданий-гуманитар, тиббиёт ва таълим соҳаларида ўзаро муносабатлар кенгаймоқда.

Ўзаро яқин ҳамкорликнинг бугунги юксак босқичига кўп жиҳатдан олий даражадаги мунтазам мулоқотлар туфайли эришилди.

Учрашувда бугун қабул қилинган "Йўл харитаси"га мувофиқ биродарлашган шаҳарлар — давлатларимиз пойтахтлари Тошкент ва Сеул ўртасида амалий ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди.

Замонавий технологияларни кенг қўллаш асосида шаҳарни бошқариш, транспорт тизими ва уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш бўйича самарали тизимни ташкил этиш соҳасида Жанубий Кореянинг илғор тажрибасидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шаҳарсозлик, архитектура ва ландшафт дизайни соҳаларида ўзаро фол ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди.

Мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳа ва дастурларини тайёрлаш ва амалга ошириш мақсадида мунтазам ташрифлар алмашиш тўғрисида келишувга эришилди.

ЎЗА

Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизнинг турли таъкидотларида учрашувлар ўтказди.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов билан мулоқот чоғида Тошкент ва Сеул шаҳарлари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Меҳмонларга Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Тошкент шаҳрида транспорт ва муҳандислик инфратузилмасини модернизация қилиш, sanoat ва тадбиркорлиқни жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун Тошкент шаҳри билан кенг қамровли, тизимли ва узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш тарафдори эканини таъкидлади. Пойтахтимизни 2030 йилгача ривожлантириш бўйича режаларни юқори баҳолаб, бу борадаги ишларда Жанубий Кореянинг шаҳарсозлик, транспорт, ахборот технологиялари, сервис ва бошқа соҳалардаги тажрибаси, ноу-хаулари билан катнашиш ниятини билдирди.

(Давоми 2-бетда)

ПАК ВОН СУН: СЕУЛ ВА ТОШКЕНТ ҲАМКОРЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги алоқалар изчил ривожланимоқда.

Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳри мэрининг мамлакатимизга ташрифи ўзаро ҳамкорлик ривожига муҳим воқеа бўлди.

Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун ЎЗА муҳбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев билан учрашиш менга улкан шараф бўлиб, катта мамнуният бағишлади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб, юксак натижаларга эришилди. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Жанубий Корея билан стратегик шериклиқни янада мустақамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин ҳам шундай фикрда. Давлатимиз раҳ-

бари Ўзбекистон Президентини Жанубий Кореяга давлат ташрифи билан боришга таклиф этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Тошкент шаҳар ҳокимлигидаги учрашув самарали бўлди. Биродарлашган пойтахтларимиз ўртасида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилган. Эндиги вазифамиз Сеул ва Тошкент ўртасидаги ҳамкорлиқни аниқ лойиҳалар, амалий натижалар билан янада бойитишдир. Ташрифимиз давомида бу борадаги иштироқларимиз, ўзаро мувофиқ саъй-ҳаракатларимиз акс этган ҳужжатларни имзоладик, узоқ истиқболга мўлжалланган келишувларга эришилди.

Пойтахт шаҳарларимиз ҳамкорлиги мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга.

А.САМАДОВ
ёзиб олди

лалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 1 августига қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Энг улуг, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси.

Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-11-64.

Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинлари ўртасида реғби бўйича мусобақа ўтказилди. Ушбу аънавий мусобақада тўққиз жамоа ғолиблик учун баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Мамлакат Президенти Мун Чжэ Ин "Кори-1" атом электр станциясини эксплуатациядан чиқариш маросими чоғида Жанубий Корея ядровий энергетикадан воз кечганини маълум қилди. Бу мамлакатда хавфсиз энергетика яратиш бўйича янги йўлнинг бошланиши сифатида баҳоланмоқда. Таъкидлаш жоизки, Жанубий Корея жаҳонда АЭС жойлашувчи зичлиги бўйича биринчи ўринда туради.

● Португалиядан ўрмон ёнғинлари туфайли Гоёш муниципалитетидаги 27 кишлоқ аҳолиси хавфсиз ерга кўчирилди. Айни пайтга келиб 30 минг гектардан кўпроқ ўрмон ёнғин туфайли

ЕНГ ШИМАРИБ, ҒАЙРАТ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН ДАВР КЕЛДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида сўзлаган нутқини ўқиб...

"Қамолот"нинг олтин медалини олганман. Унга қўшиб магнитофон беришган. Бироқ мен буларни оқлай олмадим...

Тўғри, аввал "Қамолот"нинг тадбирларида анчайин фол эдим. Шунинг учун тақдирлашган. Бироқ талаба пайтим тўрт-беш марта университетдаги "Қамолот"чилар йиғини-ю машваратида бўлгач, ўзимни бош-оёқ силкитиб, "ҳеч ким норино чиқиб кетмаслиги керак" бўлган бу даргоҳдан нима олиб чиқганимни англамадим.

Албатта, ғояларим бўлган. Дейлик, ёшлар йиғинларида тенгдошларимиз қозғондан кўз узмай маърузабозлик қилиши ўрнига давра бўлиб гурун қилишини, баҳслашганини истардим. Баъзи тенгқурларимнинг бир мавзу доирасида фақат умумий гапларни таъкидлаб, ўз ҳақини ва бошқаларнинг миёсини оғри-тишдан кўра шу мавзунинг биргина жиҳати ҳақида гаплашиб олишимизни хоҳлардим. Бироқ бир-икки марта бунга эришдик, холос. Чунки етакчимиз "баҳс — яхши нарсас, лекин сизларда негатив фикрлар кўпайиб кетмоқда", деди. Ва ўша-ўша "позитив" йўл — яна маърузабозликка қайтилди.

Яна менда шубҳа уйғотгани — айрим ҳолда истеъдодли, фикри бор тенгдошларимиз "Қамолот" сафарига интилиши ўрнига ўз соҳасида қўшимча ишлаб, тажриба ва билимларини бойитиш билан машғул экани, иқтисоди ҳақинида, бироқ ўйин-қўлгига ўч, кўкрагига муштлаб бақириб ўста тенгқурлар "Қамолот" қаторларини тўлдириб қўроқ урингани бўлган. Юрагидан моддий ҳақинида бошқа ҳеч нарса ўйин-қўлгига тоифани биласиз: "ғишт заводида?" — "мен!", "асфальт пиширишда?" — "мен!", "карам етиштиришда?" — "МЕН!"... Ахир бир ёшнинг истеъдоди ва салоҳияти қанча гавлаб кетган бўлса ҳам, яна маълум ихтисосликда ўқиб туриб, қанақасига турли йўналишларда ўз қобилиятини намоён қилавериши мумкин? Нега улар "кечирасизлар, менинг йўналишим бошқа, буни эпловмайман", демайди? Наҳотки, номига ўтказилган ўша йиғинларда соатлаб вақт ўтказиш уларга ёққан бўлса?...

Шулар сабаб мен борган сўнгги йиғинда даврага савол бердим: "Қамолот" менга нима берапти? Бу — Ҳаракатдан моддий нимадир олган йиғитчанинг катта маънавий эҳтиёжи ўлароқ юзага келган савол эди. Бироқ бунинг эвазига "фаол" тенгқурларнинг тавқи-лаънатига йўлиққанам қолди. Ушанда менга жўр бўлиб ўқитишдики, "дўстим, сиз "Қамолот" менга нима берапти?", деб эмас, "мен "Қамолот"га нима бермоқдаман?", деб яшашингиз керак!...

Уларнинг гапи умуман тўғри эди. Бироқ бу сўзлар қалбдан чиққанига унча ишонмадим. Албатта, "Қамолот"дан кўра унинг ишончини оқлай олмаганим учун ўзимдан ҳафа бўлганман. Шу билан бирга, Ҳаракат механизми тўғри йўлга қўйилмагани ҳақидаги шубҳам шубҳалигича қолган эди...

Булар — ақин бир дўстимнинг ўн йиллик изтироблари.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқини ўқиб, дўстим айтдики, "жўра, қара, кўп йиллик саволларимга бугун жавоб топдим. Англаганим шу бўлдики, бундан 16 йил аввал ташкил этилган "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бутун Ўзбекистон ёшларини бирлаштирган, том маънодаги оммавий ҳаракатга айлана олмаганига наинки мен каби бургага аччиқ қилиб кўрпасини куйдирганлар ёки шунчаки лоқайд бўлган ёшлар, балки бутун жамият айбдор экан. Катта мақсадларнинг рў-

би учун барча саъй-ҳаракат ва қувватлар жамлангани шарт экан".

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шу пайтгача қилган юзлаб лойиҳаларини, бутун фаолиятини буткул йўққа чиқариш фикридан йироқмиз. "Қамолот" сафида юзлаб ёшларимиз ўз истеъдоди ва салоҳиятини рўёбга чиқаргани, ҳаётда, жамиятда ўз ўрнига эга бўлгани ҳақида. Бироқ бунда ютуқлардан кўра хато-камчиликлар кўп бўлгани ҳам рост.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги объектив ва субъектив сабабларни аниқ мисоллар, инкор қилиб бўлмас исботлар билан айтarkan, аччиқ ҳақиқат ҳамisha шафқатсиз кўзга бўлишига яна бир бор амин бўлдик. Президентимиз ўз вақтида "Қамолот" жамоат ташкилоти сифатида тузилган бўлса-да, лекин ундан катта бир вазирлик вазифаси талаб қилинганини, унга ҳудуд кенг ва улкан вазифалар топширилиши билан бирга, буларни бажариш учун зарур ҳуқуқий ва амалий ваколатлар, тегишли имконият ва имтиёзлар яратиб берилмаганини таъкидлади. "Оқибатда "Қамолот" ёшлар ҳаёти билан боғлиқ ҳамма нарсасга жавоб берадиган ва айни пайтда ҳеч нарсасга жавоб бермайдиган, мўрт ва заиф бир тузилмага айланиб қолганини бутун қанчалик оғир бўлмасин, эътироф этишимиз керак", деди.

Бунинг очик-ойдин далили биргина мисол — ён-веримизда ёшлар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари кўпайиб бораётганида ҳам кўринади. Дейлик, сал аввал пойтахтимизда 17 ёшли коллеж ўқувчиси Жасур Ўброҳимов ўз курсдошларини қалтаклашдан сўнг оламдан ўтгани интернет оламида қандай жунбушга келтирилган бўлса, куни кеча яна бир навиҳол йиғитнинг шундай разиллик қурбани бўлгани минглаб қалбларни ларзага солди.

Савол туғилдики: нега ёшларимиз учун фойдали машғулотлар билан шуғулланишда шунча кенг имкониятлар яратилмаётгани ҳолда баалоғат бекатидаги айрим ўспиринлар ўз кучини қабохатга сарфламоқда? Уларда бунчалик шафқатсизлик ва тажовузорлик қаердан пайдо бўлмоқда? Жавоб оддий — шундай бўзболлар кўнглида нима ўйлар борлиги билан шу пайтгача на ота-онаси, на ақинлари, на маҳалла-қўй ва на бошқалар етарлича қизиқмаган, улар ўз ҳолига ташлаб қўйилган. "Қамолот" ЕИХнинг бу борада шу пайтгача аниқ механизми, афсуски, йўқ эди. Хушхаво масканлардаги йиғинлар ё бир хил фўтболка кийиб кампаниябозликлар қилиш ёхуд стадионлардаги концертлар билан барча ёшларни буюк мақсадлар йўлида бирлаштиришнинг имкони бўлмади. Кўзуга тик қараб айтилса, бор ҳақиқат шу!

Шу маънода Президентимиз Шавкат Мирзиёев госяи билан бу борада мамлакатимизда ёшларнинг чинакам суяничи ва таянчи бўла оладиган, барча тоифа ва гуруҳларини қамраб оладиган, уларни демократик принциплар асосида бирлаштирадиган мулкка янги ташкилот — Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилгани эл-юртимиз ҳаётида тарихий воқеадир. Давлатимиз раҳбари ёшлар қалбига йўл топиб, улар билан доимий мулоқот қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим йўналиши эканини яна бир бор эслатиб, "барча катта-кичик раҳбарлар қўлувига кўрғошиндек қўйиб олсин: биз энди сизларнинг фаолиятингизга пахта ёки ғаллага қараб эмас, энг аввало, сизларнинг ёшларга, ёшларга оид давлат сиёсатига бўлган муносабатингизга қараб баҳо берамиз", деб таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

XXI саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги кабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жиззахда Ўзбекистон Республикасининг "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги қонуни ижроси бўйича олиб борилган назорат-таҳлил ишлари якунларига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида барпо этилаётган корхоналар вилоят иқтисодиётига нисбатан, янги иш ўринлари қўлайишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилаётгани қайд этилди.

● Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида "Янги авлодни тарбиялаш, ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш бора-сида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси "Ёшлар қаноти" олдига турган долзарб масалалар" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди.

● Қорақалпоғистонлик журналистларнинг навбатдаги медиа-саёҳати туризм ва экотуризмни ривожлантиришга бағишланди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши кўмағида Қорақалпоғистон ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган медиа-тур Оролбўйи минтақасидаги диққатга сазовор тарихий жойларни тарғиб қилиш, ушбу ҳудудга хорижий сайёҳларни жалб этишга хизмат қилди.

● Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондонлиқ-муҳандислик билим юртида Ўзбекистон

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бунда муҳим жihat – Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг раҳбарлари катта мақом ва ваколат берилганида. Ташкилот раҳбари аниқ вақтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати бўйича давлат маслаҳатчиси лавозимида фаолият олиб боради, Президент фармонида биноан Олий Мажлис Сенати аъзоси этиб тайинланади. Ташкилотнинг Қорақалпоғистондаги кенгаши раиси Республика Жўқорғи Кенгеси раисининг, вилоят, туман ва шаҳар бўлинмаларининг раҳбарлари тегишли ҳокимларнинг ёшлар сиёсати бўйича маслаҳатчилари этиб тайинланади.

Президентимиз қурултойда Ёшлар тadbиркорлиги ва фермерлики қўллаб-қувватлаш маркази, Ёшлар ташаббуслари маркази каби тузилмалар фаолиятини жонлантириш, уларга янги мазмун ва руҳ бағишлаш кераклигини, таълим тизимида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бўлинмаларини ташкил этишни таъкидлади. Бунда Ёш олимлар уюшмаси, Ёшларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш маркази, Ёшлар туризми уюшмаси, Спорт клублари ва фитнес марказлари уюшмаси, Имконияти чекланган ёшлар уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳам тузиш ҳаяларини илгари суриб, бу тузилмаларни қандай бўлиши, уларнинг вазифаларини белгилаш бўйича фикрлашиб, бир қарорга келишни, аввало, ёшларнинг эътиборига ҳавола қилди.

– Мазкур қурултой Ўзбекистон ёшлари ҳаётида тарихий бўрилиш, тараққиётнинг янги босқичи бўлди, айниқса, Ёш олимларга янада катта эътибор қаратилиши ва барча имконият яратилишини тинглаб, тўқинлашиб кетдим, – дейди Хоразм вилояти делегати, Урганч давлат университети катта илмий ходим-изланувчиси Зокир Жуманиев. – Давлатимиз раҳбари айрим жойларда ўн бир йиллик умумтаълим тизими тикланишини, баъзи коллежлар бизоноси бўшаб қолишини айтди. Ана шундай биналарнинг бирида Ёш олимларни тўплаб, уларнинг лабораторияси негизда кичик илмий-ишлаб чиқариш корхонаси ташкил қилишни мақсад қилдим. Бугун Хоразм вилояти шароитига мос керамик гиштнинг янги тури бўйича илмий изланишлар олиб борапман. Лаборатория таҳлиллари, илмий натижалар ва ҳулосалар кутганимиздан ҳам зиёд бўлди. Энди патент олсам, ишни бошлаймиз. Бу гиштининг механик мустаҳкамлиги кучли, сув шимувчанлиги паст ва шўрланмишга чидамли бўлади.

Президентимиз қурултойда ёшларни иш билан таъминлаш учун аввало улар

ўртасида тadbиркорлики кенг ривожлантириш кераклигини, бу борада янги имкониятлар яратиш мақсадида қатор чора-тadbирлар қўзда тутилаётганини таъкидлади. Хусусан, ҳар бир туман (шаҳар) марказида Ёшлар тadbиркорлик кластерлари ташкил этилади. Улар фаолиятини йўлга қўйиш учун электр энергияси, табиий газ, сув ва транспорт коммуникацияси, алоқа воситалари ва интернетга улаиш имконияти мавжуд бўлган ҳудудларда фойдаланилмай ётган давлат объектлари ёш тadbиркорларга “ноль” қиймати билан ижарага берилди. Барча ҳудудда ташкил этилаётган иқтисодий зоналарда, шаҳарлардаги кичик саноат зоналарида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг аъзоси бўлган ёш тadbиркорлардан ижара ҳақи олинмай-диган тартиб жорий этилади.

– Давлатимиз раҳбари қурултойда ўз бизнесини бошлаётган ёш тadbиркор-

туб ислохотлар самарасида уларнинг саффи кенгайиши шубҳасиз.

Ижтимоий тармоқларда “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойи делегатлари, ёшларимиз форум таассуротларини баён қилар экан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилган кун – 30 июнь санасини мамлакатимизда Ёшлар кунини деб эълон қилиш, йиғилар учун “Мирд ўғлонлар” Давлат мукофотини таъсис этиш, курсантлар мактабларига “Темурбеклар мактаби” деб ном бериш, Ёшлар иттифоқининг фаол аъзоси бўлган талабаларга таълим бўйича шартнома тўлови миқдорининг 35-40 фоизини ташкилот ҳисобидан тўлаш, тизимда 3-5 йил ва ундан кўпроқ фаол ишлаб келаётган ҳодимларни уй-жой билан таъминлаш борасидаги тақлиф ва ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватламоқда. Шу билан бирга, бу борада ўз фикр-

орасида ҳақиқий етакчиларни тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. Энди ёшларимиз ҳаёти, уй-кечинмалари, орзу-ниятлари, энг муҳими, уларни қўйиётган масалалар ҳақида танқидий таҳлил ва креатив ёндашуви қанчалиришимиз, бугунги ҳаётни бутун қўлаи, мазмуни, керак бўлса, мураккаблиги билан ёритишимиз керак”, деб ёзади жаззахлик ёш тележурналист Умида Наврўзова. Наманган вилоятидаги “Bolalar dunyosi” газетаси муҳбири Мафтуна Режаббоевнинг фикрича, “ёшлар ўртасида интернет орқали маънавий тарғибот ишлари, жумладан, электрон китобхоналиқнинг қулайлиги ёшлар ўртасида фикр алмаиш имкониятини кенгайтиради. Бу билан дид чархланади, тафаккур қувватланади. Бунинг учун, аввало, ёшларимиз ўртасида мутлола маданияти юксалиши лозим”.

Бундай мисоллар кўп. Уларнинг барчасини бирлаштирган жиҳат ягона: ёшларимиз Ватанимиз тақдирини ўз тақдири, деб билади, улар синовлардан кўрқмайди, ҳар қандай шароитда ҳам ўз фикрини эркин ифода этиб, эзгу мақсадларга собитқадамлик билан интилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшларнинг дадил қадамларини, эзгу ташаббуслар ва интилишларини доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканига “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойида барчамиз гувоҳ бўлдик: форум жараёнида ёшлар етакчиларига ёрдам бериш ўрнига уларга қўпол муносабатда бўлган айрим раҳбарлар ишдан олинди, мамлакатимиз ёшлари вакилларининг кўз ўнгига улар орасидан энг фаол бўлган икки йигит – Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети магистранти Олим Тўйчиев Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги бош директорининг ўринбосари, “Result” ўқув маркази раҳбари Алишер Саъдуллаев халқ таълими вазирининг ўринбосари этиб тайинланди.

Дарвоқе, мақолаимиз аввалида айтган дўстим қурултой таассуротларини шундай айтди: “Жўра, бугунги укаларимизни қара, ўз фикри ва ғоясини қандай ишонч билан ҳимоя қилмоқда. Нима қилса ҳам улар мустақиллиқнинг болалари-да. Ўтиш даврида сўғи қотган биз акаларини сал қолса, уялтирай дейди-я. Назаримда, аввало, ичимиздаги бир маҳдуд душман – хато қилишдан кўрқиб ҳиссини енгишмизи керак. Бугунги шиддатли давр “шап...”, “шап...” дейишни кечирмайди. Бугун катта ғайрат билан енг шимариб ишлайдиган давр келди”.

Умид ЁКУБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

ЕНГ ШИМАРИБ, ҒАЙРАТ БИЛАН ИШЛАЙДИГАН ДАВР КЕЛДИ

ларга имтиёзли нархларда юридик, техник ва бошқа маслаҳат ёрдамлари кўрсатишни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлагани бежиз эмас, чунки аксарият ҳолда ёшларимиз айнан шу масалалар етарлича амалий кўмак олмагани учун тadbиркорлики бошлай олмайди, – дейди Сурхондарё вилояти делегати, “Қамолот”нинг вилоят кенгашидаги Ёш тadbиркор консультатив маркази бош координатори Умид Қулмаматов. – Тadbиркор бўлишни истаган айрим ёшларда аниқ ва ишонarli бизнес-ғоя, етарли сармоя бўлмайди, кўпчилиги бозордаги рақобатдан қўчийди. Бу борада балки солиқ имтиёзлари ҳам қайта кўриб чиқилар. Дейлик, 2016 йили термизлик академик лицей битирувчиси Муҳаммадали Мирзаахмедовнинг симдан металл тўр тўқиш бўйича бизнес-режасига 7 миллион сўмлик кредит ажратилган. Бироқ солиқ қонунчилигига кўра бу борада фақат коллеж битирувчиларига имтиёзлар назарда тутилган боис у бундай имкониятдан фойдалана олмади. Шунга қарамай, ёш тadbиркор кўрқмай иш бошлади. Ҳозир ойига ўртача 20 миллион сўмлик маҳсулот тайёрламоқда. Икки ишчиси бор. Иссиқхоналар, спорт майдончалари ва бошқа объектларда металл тўрларга талаб катта. Афсуски, муаммолар гирдобини ёриб чиқиб, натижага эришаётган бундай ёш тadbиркорлар кўп эмас эди. Энди бу борадаги

мулоҳазалари ва тақлифларини ҳам баён қилмоқда.

“Президентимиз ёшлар ҳаракатининг янги тўлқинига асос солди. Энди тadbирбозликлар, ёшлар ташаббусларига белгисандлик ва энгил-елпи шоуларнинг даври ўтди. Ёшлар иттифоқи мамлакатимиз ёшларининг талаб ва истакларини асосида ишлаши, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда ҳаётини самара бериш учун барчамиз ички қўлилардан воз кечилишимиз, бор куч-ғайратимизни тараққиёт сари йўналтиришимиз керак”, деб ёзади Самарқанд шаҳридан ёш тadbиркор Бобур Шукров. Бухоролик ёшлардан Шаҳина Хайитова қишлоқ ёшларининг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш борасидаги ташаббуслар ҳақида қуйидагича фикр билдирган: “Давлатимиз раҳбари мазкур қурултойда чекка-олис қишлоқлардаги ёшларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлагани бизни жуда қувонтирди. Ростки, олис ҳудудларда “Қамолот” тadbирлари қорғозда ўтказилган ҳолатларга кам гувоҳ бўлганамиз. Энди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қишлоқ ёшларининг орзулари рўёбига мустаҳкам пиллаво бўлади. Бу борада ниятда катта имкониятлар юзага келмоқда, ҳамма гап улардан унумли фойдаланишда”.

“Қизлар учун янги журнал ташкил этилиши нафосат соҳибаларининг истеъдод ва қобилиятини юзага чиқариш, улар

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Юртимизда фармацевтика саноатини ривожлантириш, аҳоли ва даволаш муассасаларини сифатли ва хавфсиз доридармон воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда дори воситалари муомаласининг турли йўналишлари тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари билан мувофиқлаштирилиб келинмоқда. Президентимизнинг 2016 йил 31 октябрдаги “Аҳолини доридармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тadbирлар тўғрисида”ги Қарори тегишли мутасадди вазирлик ва идоралар олдида аниқ вазифалар қўйди. Мазкур қарор аҳоли ва даволаш-профилактика муассасаларини кенг тарқалган касалликларни даволашда қўлланиладиган юқори самардорликка эга сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлашга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги “Дори-дармон” акциядорлик компанияси томонидан “Республика аҳолисини дори воситаларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш борасида белгиланган чора-тadbирларнинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар” мавзусида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шу хусусда сўз борди.

“Дори-дармон” акциядорлик компанияси бошқаруви раиси А.Қомиллов мазкур қарор амалиётга қандай жорий этилаётгани, қўзда тутилган вазифалар ижроси ва аҳоли учун яратилаётган қулайлиқлар борасида оммавий ахборот воситалари ходимларига маълумот берди.

Анжуманда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори билан ижтимоий аҳамиятга эга бўлган 343 нондаги дори воситалари, жумладан, 98 нондаги маҳаллий ва 201 нондаги чет эл дори воситалари, 44 нондаги тиббий буюмлар, жумладан 18 нондаги маҳаллий ва 26 нондаги чет эл тиббий буюмлари рўйхати тасдиқланди.

Бугун “Дори-дармон” акциядорлик компанияси фармацевтика бозоридан ишонч билан фаолият юритиб келаётган ва изчил ривожланаётган улғуржи-чакана корхоналардан бири ҳисобланади.

Айни пайтда унинг таркибида 8 та акциядорлик, 12 та масъулияти чекланган жамиятлар, 17 та дорилар оғборхонаси ва 15 та назорат-таҳлил лабораторияси ҳамда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида жами 1400 дан ортиқ дорихона муассасалари фаолият юритмоқда. Ҳозирда, компания тизимида 4200 дан ортиқ ҳодимлар фаолият юритиб, уларнинг доимий равишда малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

“Дори-дармон” акциядорлик компанияси аҳолининг арзон ва сифатли дори-дармон воситаларига бўлган талабини қондириш ҳамда тизимни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган қарорда белгиланган бандлар ижросини таъминлаш мақсадида юртимизнинг чекка туманларида фаолият юритувчи кўма дорихоналар ишини ташкил этди. Жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ аҳолисига 15,9 миллиард сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Айни дамда компаниянинг махсус жиҳозланган “ISUZU” русумли изотермик автофургонларида 14 та кўма дорихоналари фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, “DAMAS” русумли автомашиналарда қўшимча равишда яна 100 та кўма дорихоналар ташкил этилган.

Доривор ўсимликларни қирламчи ва чуқур қайта ишловчи 190 та билан ва йирик корхоналар томонидан жами 392 турдаги дори воситалари ва 62 турдаги биологик фаол қўшимчалар рўйхатдан ўтказилиб, 15,1 миллион қадқ биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқарилиб сотувга чиқарилди.

Юртошимизнинг 2016 йил 16 сентябрдаги “2016-2020 йилларда республикада фармацевтика саноатини янада ривожлантириш бўйича чора-тadbирлар дастури тўғрисида”ги Қарорига асосан, 2020 йилгача бўлган даврда фармацевтика саноатини ривожлантириш бўйича жами 67 та инвестицион лойиҳалар ижроси режалаштирилган. Жорий йил охиригача эса 5 та инвестицион лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Булар қашқадарё вилоятидаги эфир мойлари, экстрактлар ҳамда қуқун шаклидаги антибиотиклар ишлаб чиқаришга мўлжалланган корхоналар, Бухоро вилоятида доривор ўсимликлардан қуқун шаклидаги дори воситаларини ишлаб чиқариш корхонаси, Сурхондарё вилояти Бойсун туманида доривор ўсимлик ва гиёҳлар асосида дори воситалари ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда Наманган шаҳрида доривор мойларини ишлаб чиқариш ва қадқлаш цехи ишга туширилди.

Ҳуқорлар “Дори-дармон” акциядорлик компанияси таркибига кирувчи дорихоналардаги дори воситалари ва тиббий буюмларнинг сифати, нархи билан боғлиқ тушунмовчиликларга дуч келса, компаниянинг “Ишонч телефони” орқали боғланиб муаммога тезда ечим топилади. Қар бир муражоят компания масъул ҳодимлари томонидан кўриб чиқилиб, қонун доирасида ҳал этилмоқда.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент ва Сеул шаҳри бизнес вакилларининг ўзаро таширфларини ташкил этиш, кичик бизнес соҳасига инвестициялар жалб этиш, тadbиркорларнинг тўғридан-тўғри алоқаларини йўлга қўйишга келишиб олинди.

Пойтахтимиздаги Сеул боғида мамлакатимизда корейс миллати вакиллари истикомат қилаётганнинг 80 йиллиги муносабати билан ёдгорлик монументи очилди.

Тошкент шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмонов, Сеул шаҳри мэри Пак Вон Сун, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва муқор элчиси Квон Ён У, Ўзбекистон корейс маданият марказлари уюшмаси раиси Виктор Пак ва бошқалар Ўзбекистонда истикомат қилаётган барча миллат ва эл вакиллари қатори корейс миллатига мансуб аҳолининг ҳам ўз миллий аънава ва қадриятларини асраб-авайлаши, бойитиши ҳамда келгуси авлодларга етакчилиги учун кенг имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади. Корейс халқи номидан ўзбек халқининг бағрикенглиги ва меҳрибонлиги учун чуқур миннатдорлик рамзи сифатида очилган ушбу монумент халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганининг амалий ифодаси экани қайд этилди.

Тақдир тақозоси билан бир пайтлар юртимизга келиб қолган корейс-ўзбеклар билан дўст-биродар бўлиб кетган, мамлакатимизнинг фаол аъзоларига айланган. Корейс миллатига мансуб ватандошларимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатида, маҳаллий Кенгашларда, бошқарув органларида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасида фаолият юритмоқда.

– Ўзбекистонда корейс диаспораси эмин-эркин, тинч ва осуда яшайи йўлида яратган ва яратилаётган муносиб шароит ва имкониятлар учун давлатнингиз ва халқингиздан ғоят миннатдоримиз, – деди Пак Вон Сун. – Тошкентдаги Сеул боғида Ўзбекистонда корейс миллати вакиллари истикомат қилаётганининг 80 йиллиги муносабати билан очилган ёдгорлик монументи мамлакатларимиз ўртасида дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Тadbирда дўстлик ва тинчликни, икки халқнинг аънава ва қадриятларини улғуловчи куй-қўшиқлар янгради, жозибали рақслар ижро этилди.

Халқаро ҳамкорлик марказида шаҳар жамоат транспортини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон – Жанубий Корея конференцияси бўлиб ўтди.

Тadbирда икки мамлакатнинг транспорт ва транспорт коммуникациялари, шаҳар инфратузилмаси, ахборот технологиялари каби соҳаларга оид вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди. Унда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳада изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Мазкур форум мамлакатларимиз ўртасида шаҳар инфратузилмаси, транспорт ва АКТ соҳаларидаги алоқаларни янада фаоллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда шаҳарларнинг замонавий архитектура қиёфасини ривожлантириш, уй-жой ва ижтимоий-маиший қурилишни такомиллаштириш, муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини реконструкция қилиш, янгилаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Форумда меҳмонларга Тошкент шаҳрида транспорт ва коммуникациялар соҳасини ривожлантириш, замонавий уй-жойлар барпо этиш, инфратузилма, коммунал ва ижтимоий соҳаларни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Сеул шаҳар мэрияси ўртасида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида баённома, Тошкент ва Сеул шаҳарлари ўртасида АКТ соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Англашув меморандуми имзоланди.

ЎЗА

ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШМОҚДА

“Ўзстандарт” агентлиги томонидан “Ўзбекистон Республикасида стандартлаштириш ва сертификатлаштиришнинг долзарб масалалари” мавзусидаги давра суҳбати ташкил этилди.

“Ўзстандарт” агентлиги бош директори А.Хайитов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида тadbиркорлики қўллаб-қувватлашга оид қабул қилинган фармон ва қарорлар кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари ўз фаолиятини янада кенгайтириши ва ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиши йўлида кенг имкониятларни очиб бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 21 июндаги “Маҳаллий экспорт қилувчи ташкилотларни янада қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий фаолиятини такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Унга кўра, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб барча тadbиркорлик субъектларига янги мева-сабзавот, узум ва поллиз маҳсулотларини тўловни олдиндан 100 фоиз амалга ошириш шарти билан тўғридан-тўғри шартномалар асосида экспорт қилиш ҳуқуқи берилди.

– Ушбу қарор юртимиз тadbиркорлигига жуда катта имкониятлар яратиб берди, – дейди ЎЗА муҳбирига “Ўзстандарт” агентлиги бош директори ўринбосари Жамшид Мирсаидов. – Мазкур ҳужжат билан бундан буюн сертификатлаш идоралари томонидан ишлаб чиқариладиган ва четдан олиб қилиладиган маҳсулотларга мувофиқлик сертификатлари 3 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда расмийлаштирилиши қатъий белгиланди.

Давра суҳбатида маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар ва техник регламентларнинг жорий этиш орқали уларнинг замонавий талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш, экспорт қилувчи корхоналарда маҳсулот сифатини бошқаришнинг замонавий тизимларини кенг жорий этиш ва саноат маҳсулотларининг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштириш алоҳида ошириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Ш.МАМАТУРОВА



ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАРАҚҚИЙТИМИЗ ГАРОВИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан “Интеллектуал мулк агентлигининг фаолияти ва соҳадаги ривожланиш тенденциялари” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги бош директори А.Файзуллаев ва бошқалар мамлакатимиз тараққиётида интеллектуал мулк муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Интеллектуал мулк соҳасининг мустаҳкам қонунчилик асослари яратилган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тadbирлари тўғрисида”ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Агентликнинг интеллектуал мулк объектларини халқаро норма ва стандартларга мувофиқ ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилди, ваколатлари кенгайтирилди. Замонавий интерфас ваколат хизматлари жорий этилмоқда.

Мазкур агентликдан олинган маълумотга кўра, жорий йилнинг ўтган даврида тўрт мингдан ортиқ интеллекту-

ал мулк объектига талабномалар бўйича давлат экспертизаси ўтказилган. Икки мингга яқин интеллектуал мулк объекти давлат рўйхатига олинган. Ундан иxtиролар, фойдала моделлар, саноат маҳсулотлари, намуналари, товар белгилари, селекция уюмлари, дастурий маҳсулотлар кенг ўрин олган.

Интеллектуал мулк объектларидан қонунчилик фойдаланишининг олдини олиш мақсадида ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда мониторинглар ўтказилмоқда. Аниқланган қонунбузрилиш ҳолатларига оид маълумотлар чора қўриш учун тегишли идораларга юборилмоқда. Ўзбекистон Республикаси бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига контрафакт аудио-визуал маҳсулотлар, фонограмма ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар бўйича эксперт хулосалари берилди.

Ҳозирда ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида

агентлик тегишли ташкилотлар билан тузилган ишчи гуруҳлари ҳамкорлигида аҳоли гавжум жойлар, бозорлар, савдо комплекслари ва шохбоналарда контрафакт фонограммалар ва аудио-визуал маҳсулотлар савдоси амалга оширилишининг олдини олиш бўйича мониторинг олиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида 394 қонунбузрилиш ҳолати аниқланди. Бу ҳақда Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига ўн икки мингга яқин аудио-визуал маҳсулот, фонограмма ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар бўйича эксперт хулосалари берилди.

Матбуот анжуманида Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам ахборот берилди.

ЎЗ – ЎТМОҚДА СОЗ

Ўз болажонлар учун ўзгача шодлик ва шукуҳ олиб келади. Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини тўғри, унумли ва самарали ташкил этиш, уларнинг орзу-интилишлари, қизиқиши ва лаёқати бўйича ўзлари хоҳлаган соҳага йўналтириш, ўз фаслида мароқли дам олиш ва янги ўқув йилига куч-ғайрат тўплашлари алоҳида ахамият касб этади.

